



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2020 йил 8 январь, Чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 3 (14.054)

Баҳоси эркин нарҳда

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 январь куни қурилиш соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами йил сайин кенгаймоқда. Янги уй-жойлар, йирик заводлар, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. Табиийки, бундай катта ҳажмдаги ишларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун малакали қурувчилар ва лойиҳачилар, барқарор ташкилотлар керак.

Йиғилишда қурилиш соҳасидаги муаммо ва камчиликлар кескин танқид қилинди. Масалан, мамлакатимизда 22 мингга яқин қурилиш-пудрат ташкилоти бўлиб, уларнинг аксариятида ишчилар сони ва касб малакаси тўғрисида маълумот юритилмади.

Худудлардаги барча қурилишлар ягона буюртмачи ҳизмати ташкилотларига топшириб қўйилгани кўрсаткичларга салбий таъсир қилмоқда. Илғор хорижий тажрибада қурилиш хавфсизлиги, сифати ва натижаси назорат қилинса, бизда барча куч ва ресурслар жараёни назорат қилишга сарфланиб, сифат иккинчи ўринга тушиб қолган. Давлатимиз раҳбари соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, уни замонавий асосда ривожлантириш бўйича муҳим чора-тадбирларни белгилаб берди.

Лойиҳа институтлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, хорижий тажриба асосида тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш, бу борада электрон тизимни эксперимент тариқасида Тошкент шаҳрида жорий этиш бўйича топшириқ берилди.

Қурилиш, Молия, Адлия вазирликлари ва бошқа мутасадди ташкилотларга жорий йил 1 июлга қадар қурилиш корхоналари фаолиятини баҳолаш рейтингини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Ушбу рейтингда ишчилар сони ва малакаси, бажарилган ишлар ҳажми, солиқ ва кредитларнинг ўз вақтида тўланиши каби мезонлар ўз аксини топади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ҳамда ягона буюртмачи ҳизмати ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Соҳада ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси пастлиги қайд этилди. Жумладан, лойиҳаларни яратиш, экспертизадан ўтказиш, қурилишга рухсат бериш, қурилиш-пудрат ишларини назорат қилиш жараёнлари ҳалигача қоғозда бажариляпти. Инвестор ва тадбиркорлар учун қаредда нима қилиш мумкинлиги ҳақида маълумот беришчи геонформацион тизим йўлга қўйилмаган.

Шу боис йиғилишда Қурилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тизимни тўлиқ рақамлаштириш бўйича жорий йилда амалга оширишга оид "йўл харитаси" ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Соҳада техника хавфсизлиги талабларига риоя қилинмаётгани, "риск-анализ" тизими ва назорат йўқлиги оқибатида бахтсиз ҳодисалар юз бераётгани қайд этилди. Тегишли вазирлик ва идораларга қурилиш соҳасида давлат назоратини бутунлай янгича асосда ташкил этиш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари қурилиш соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш тизими бүгунги кун талабига жавоб бермаслигини таъкидлади.

Меҳнат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қурилиш соҳасида ўрта бўғин мутахассислари ва ишчи касблар классификаторини жорий қилиш ҳамда унга мувофиқ коллежларда қурувчилар тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Соҳага оид таълим дастурларини юқори технологиялар ва инновацион ёндашувлар асосида янгидан ишлаб чиқиш, бўлажак кадрларни замонавий лойиҳалаш ва дастурий таъминот, хусусан, BIM (Building Information Modeling) технологиялари билан ишлашга ўргатиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ҳисобот берди, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎЗА

## АҚШДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ "ЎТКАН КУНЛАР" РОМАНИ ИНГЛИЗ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

**Аввал хабар қилинганидек, яқинда таваллудининг 125 йиллиги юртимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланган буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи илк бор бевосита ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинди ва Америка Қўшма Штатларида "Bygone Days" номи остида китоб ҳолида чоп этилди.**

2019 йил 27 декабрда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида ушбу китоб тақдими бўлиб ўтди. Янги китобнинг илк нусхалари АҚШдаги давлат ташкилотлари, етакчи олий таълим муассасалари ва ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакилларига тарқатилди.

У АҚШнинг энг йирик кутубхонаси – Конгресс кутубхонаси каталогига киритилди. Шунингдек, ушбу асар e-book шаклида ҳам чоп этилган.

Машҳур асар таржимаси америкалик таниқли таржумон ва тадқиқотчи Марк Эдвард Риз томонидан амалга оширилган. Марк Эдвард Риз 1969 йилда АҚШнинг Аризона штатида туғилган. Жорж Вашингтон номидаги университетни "Урал, Кавказ ва Марказий Осиё халқлари адабиёти" мутахассислиги бўйича та-

момлаган. 1994-1996 йилларда "Тинчлик корпуси"нинг кўнгилли вакили сифатида Ўзбекистонда ишлаб, Қўқон шаҳридаги ўрта мактабда инглиз тили фанидан сабоқ берган. Шунингдек, АҚШ Давлат департаменти ҳамкорлик дастурининг Ўзбекистон бўйича директори бўлиб ишлаган.

Марк Риз 2017 йилда пойтахтимизнинг Самарқанд дарвоза маҳалласидаги Абдулла Қодирий яшаб ижод этган хонадонда бўлиб, адиб ижодий меросини чуқур ўрганган.

Таржумон ушбу кўламдор романи инглиз тилига ўғриш учун 15 йилдан ортқ вақт сарфлаган ва 660 бетдан иборат асар америкалик ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун унга 400 дан ортқ тушунча ва изоҳлар ёзган.

Айни пайтда роман ўқувчилар томонидан аниқланганидан "Беш



юлдуз" рейтингда юқори баҳога сазовор бўлмоқда.

Марк Риз Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди, унинг замони ва замондошлари, "Ўткан кунлар" романидаги сиймолар ҳақида маълумотлар беришчи theuzbekmodernist.com веб-сайтини ҳам яратган.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига "Bygone days" китоби ва Марк Эдвард Риздан мактуб келди. Куйида ушбу мактуб матни эълон қилинмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари!**

Сизга 1994-1996 йилларда Тинчлик корпусининг кўнгилли ходими сифатида Ўзбекистонда, Қўқонда ўз хизмат фаолиятини бошлаганимдан сўнг йигирма беш йил ўттиб хат йўллаш мен учун катта шарафдир. Оддий ўзбек мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган даврим менинг ҳаётимни беқўсқин даражада бойитган саёхатнинг муқаддимаси бўлди ва Сизга йўлланаётган ушбу мактуб ана шу саёхатнинг авж нуқтасидир.

Ҳақиқатан ҳам шундай, мен айни пайтда инглиз тилига таржима қилиб турган Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи Марказий Осиё ва жаҳон адабиётида ўхшаши йўқ асардир.

Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш мен учун шунчаки ўқув машғулотлари вазифини ўтагани йўқ. Асар таржимаси мендан катта куч талаб этганининг боиси шундаки, адиб романига шунчаки "персонажлар"ни эмас, балки менинг ҳаётий қарашларимни шакллантирган киссани жо этган.

Асардаги Отабек, Қумуш ёки мен яхши қўрайдиган Хасанали каби адабий персонажлар номигагина таҳлил қилиб ўтиладиган мавҳум, тўқима образлар эмас. Ушбу машҳур образлар тимсолида мен бутун профессионал фаолиятим давомида Тошкент, Қўқон ҳамда Вашингтонда яшаб, бирга ишлаган инсонлар кўёқасини кўраман.

Шу тариқа мен ўн беш йил мобайнидаги иш жараёнида нафақат адиб тилига хос нозик жиҳатларни, балки 1938 йилда унинг қатағонга учраши ва ўлимга сабаб бўлган, асарларига жо этилган чинакам миллий руҳни илгашга муваффақ бўлдим.

1994 йилда ўзбеклар, гарчи улар учун бундан ҳеч қандай наф бўлмагандек, мени ўз хонадонларидан кўп бор меҳмон қилишди. Худди ўз яқинларидек кўриб, Қўқондаги Жомеъ масжидида биргаликда ибодатга ҳам олиб боришди. Уларнинг миллий романини инглиз тилига таржима қилиш орқали мен ҳам бу инсонларга ана шундай муносиб хурмат-эҳтиром кўрсатишга бурчлиман.

Ҳар қандай катта иш сингари роман таржимаси ҳам улкан шахсий сафарбарликни талаб этди. Менинг умидим ва ишончим шундаки, қачондир ўғлим бу китобни кўлига олар экан, унинг отаси ер юзидан шунчаки умргузаронлик қилмагани, балки недир қимматли бир ишни адо этиб кетганини англайди. Сиз ҳам ота сифатида айни шундай ҳиссиётни ҳис қиласиз, деб ишонаман.

Ўтган ҳафтада мамлакатингиз элчиси Жавлон Ва-

ҳобов ва Ўзбекистон элчихонаси ходимлари томонидан камтарона хизматимнинг юксак даражада эътироф этилиши меҳнат фаолиятимдаги ажойиб лаҳзалар бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Вашингтон шаҳридан келган юздан зиёд меҳмонлар иштирокида ушбу китобимнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Биз элчи билан биргаликда Ўзбекистон ҳақида, айниқса, унинг адабий манзараси ҳақида кўпроқ билишни истаган меҳмонларга мамлакатингизни таништирдик. Мен ўз нутқимда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар атиги икки йил давомида юқори даражада олдинга силжиганини алоҳида таъкидладим. Ушбу ислохотлар Абдулла Қодирийнинг ҳаёти бардавонлиги ва унинг орзу-ўйлари рўёбга чиқаётганидан далолат эканини ишонч билан айтиб ўтдим. Ана шу маросимдан кейин минглаб одамлар ижтимоий тармоқларда ижобий фикрлар билдиришди, тақдиротда иштирок этганлар ўзбек адабиёти ҳақида янада кўпроқ билиш учун мен билан болганишди.

Шу нарса аёнки, сизлар барчангиз бүгунги дунёда иштираётган элчи билан айтиб ўтдим. Ана шу маросимдан кейин минглаб одамлар ижтимоий тармоқларда ижобий фикрлар билдиришди, тақдиротда иштирок этганлар ўзбек адабиёти ҳақида янада кўпроқ билиш учун мен билан болганишди.

Сизнинг номингизга хат ёзиш мен учун катта шараф бўлгани учун сўзимнинг ниҳоясида айтмоқчиман: Раҳмат. Сиз намоён этаётган характер ва етакчилик салоҳиятидан мен ҳайратдаман.

Мен Ўзбекистонни яхши биламан, рафиқам тошкентлик ва ўзимни бу юрда сайёҳ деб ҳисобламайман. Сизнинг яқинда Қўқон ва Марғилонга ташриф буюрганингиз, Абдулла Қодирий музейини ташкил этганингиз, Сизнинг ўз ислохотларингизга уйғун равишда "Ўткан кунлар" романини эслаб айтган фикрларингиз менинг қалбимда чуқур акс-садо берди. Бу менга ислохотларнинг ҳозирги босқичи – Абдулла Қодирий ижодида бўлган эҳтиромнинг энг яхши даври эканини англаб етиш имконини берди. Мен қатъий ишонаман, бу менинг иккинчи Ватаним билан болган яшимнинг янги йигирма беш йиллик бобининг бошланиши бўлади.

Хурмат билан,

Марк Эдвард Риз  
2019 йил 27 декабрь



● Куни кеча Тошкент вилоятида парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари билан ўтган учрашувда йил якунлари сарҳисоб қилинди ва 2020 йилдаги муҳим вазифалар белгилаб берилди. Йиғилишда барча соҳалар қатори энергетикани ривожлантириш, соҳага хусусий сектор ва инвестиция жалб қилиш бўйича ҳам зарур топшириқлар берилди.

● Фарғона вилояти ҳокими шаҳар ва туманларда ёшлар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг муаммоларини, тақлиф ва ташаббусларини амалий ҳал этишга қаришди. Вилоят ҳокимининг Бешарик ва Ўзбекистон туманларида ёшлар билан бўлиб ўтган учрашуви ортқча расмийликдан холи бўлиб, самимий мулоқот тарзида кечди. Ёшларга ўзларини қийнаётган муаммолари ва орзу-мақсадларини баён этиш имконияти яратилди. Бешарик туманида бугунги кунда 63 мингдан зиёд ёш истиқомат қилаётган бўлиб, улар турли йўналишларда муваффақиятларга эришиб келмоқда. Шу билан бирга, туманда ёшлар бандлигини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг олдини олишда муаммолар бор. Вилоят раҳбари ана шу каби муаммо ва камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратди.

● Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида иссиқлик электр станцияси – Тўрақўрғон ИЭСнинг барпо этилиши давлатимиз мустақиллиги тарихидаги нафақат вилоят, балки мамлакат доирасида муҳим стратегик аҳамиятга молик навабдаги йирик лойиҳалардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 30 декабрдаги "Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини қуриш" инвестициявий лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида барпо этилган мазкур йирик энергетика иншооти қурилиши 2016 йилнинг апрель ойида ўтказилган халқаро тендерда ғолиб чиққан "Mitsubishi Corporation", "Mitsubishi Hitachi Power Systems" (Япония) компаниялар консорциуми бош пудратчилигида амалга оширилди.



● Британияда шифокорлар Дейв Уотли исмли эркакдан 9,5 килограмм келувчи буйракни олиб ташлади. 2002 йилда эркакка буйраклар поликистоз касаллиги ташхиси қўйилган. Ушбу касаллик туфайли эркакнинг буйраги вазили унда суяқлик билан тўлган қопчалар шаклланиши сабабли олиб кетган. 7 йил аввал Уотлидан 7,5 кг.лик буйрак олиб ташланган. 2 йилдан кейин унга донор буйраги қўчириб ўтказилган. 2019 йил декабрда эса эркакнинг иккинчи касал буйраги олиб ташланди. Унинг диаметри 30 см.га етган.

● Сомалидаги фермерлар ўз экинларини чигирткалар "босқини"дан ҳимоя қилишда ёрдам беришларини сўраб мамлакат ҳукумати ва халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилдилар. Сомали ва қўшни Эфиопияда ҳақаротлар 70 минг гектар ер майдонини вайрон қилди. Бу сўнгги 70 йил ичидаги энг ёмон чигиртка "босқини" бўлиб, ҳар икки мамлакатда озиқ-овқат таъминоти хавф остида қолмоқда, дея хабар беради Сомали Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти.

## КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

**Тошкентда "Ўзбекистон – Япония: тўртинчи саноат инқилоби даврида ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятлар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлилий маркази, "Тараққиёт стратегияси" маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, "Маъно" тадқиқот ташаббуслари маркази мутахассислари иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил декабрь ойида Японияга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, фан-таълим соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган кўплаб истиқболли келишувларга эришилди. Кунчиқар мамлакат билан муносабатларни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш

ҳажмини оширишга қаратилган мазкур келишувлар ўзаро ҳамкорлик тарихида янги саҳифа очди.

Давра суҳбатида экспертлар Япония билан муносабатлар тизимли, кўп қиррали кўриниш касб этиб, ўзаро хурмат ва икки томон манфаатларини ҳисобга олиш руҳида ривожланиётганини алоҳида таъкидлади.

Токио Ўзбекистонда инфраструктура, энергетика, транспорт ва замонавий технологиялар жорий этилиши мумкин бўлган бошқа соҳалар ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасидаги лойиҳаларга киритилган инвестициялар мамлакатимиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўмақлашади.

Мутахассислар фикрича, ташриф якунлари бўйича имзоланган келишувлар Япония капиталининг Ўзбекистонда мустаҳкам ўрин эгаллашига замин яратди. Масалан, Нағоя шаҳри билан Тош-

кентда юқори технологиялар парки барпо этиш, Ўзбек – Япон ёшларининг инновацион марказини ташкил қилиш бўйича эришилган келишув натижасида иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари жадал ривожланишини таъминловчи мустаҳкам платформа яратилди. Шунингдек, ёш, истиқболли кадрларни тайёрлаш имкониятлари янада кенгайди.

Таҳлилчилар Ўзбекистонга келаётган япониялик сайёҳлар тобора ортаётгани, Кунчиқар юрт аҳолисининг мамлакатимиз сайёҳлик объектларига қизиқиши жуда юқори эканини алоҳида таъкидлади. 2018 йилда Япония фуқаролари учун визасиз режим жорий қилиниши бу юртдан юртимизга келаётган сайёҳлар оқими тўрт баробар кўпайишига сабаб бўлди.

Тадбирда парламентлараро ҳамкорлик, маданий-гуманитар алоқалар ҳақида ҳам сўз юритилди. Тошкент ва Токио ўртасида "Япония + Марказий Осиё"

форматидаги ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, экспертлар Япония Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ишончли ва яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган минтақавий сиёсатини қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади. Япония иқтисодий ётқи либераллаштириш, худудни янада йирик иқтисодий маконга бирлаштириш ва бошқа бозорларга чиқиш учун Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа давлатларидан ёрдамчини аяммайди.

Кунчиқар мамлакат Марказий Осиёда ўзининг минтақавий сиёсатини амалга ошириш учун Ўзбекистонга алоҳида аҳамият қаратади. Бунга Япониянинг мазкур минтақа давлатларига ажратган ёрдами ҳажмининг 57 фоизи Ўзбекистонга тўғри келиши фикрини далиллади.

Давра суҳбати иштирокчилари дунёда ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда кечаётган жиддий ўзгаришлар шароитида Япония билан қўн томонлама ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистоннинг стратегик манфаатларига жавоб бериши ҳақида яқдил фикр ташдириди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Японияга ташрифи Токионинг эътиборини Марказий Осиё билан минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига, Ўзбекистонда кечаётган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий трансформация жараёнларига қаратиши қайд этилди.

Саидмурод РАХИМОВ







**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканини доимо таъкидлайди.**

Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика маҳаллалар кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси ва "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази каби ташкилотларнинг маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этиш бўйича жамоат ташкилотларининг 2019 йил октябрь-декабрь ойларида мўлжалланган Хамкорлик дастури ишлаб чиқилган эди.

Ёшлар маънавиятини тўғри шакллантириш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, маҳаллалардаги муҳитни янада соғломлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш мазкур хамкорлик дастуридан кўзланган асосий мақсаддир.

Дастур доирасида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳузурда тузилган ишчи гуруҳи томонидан "Ибратли оила – 2019" ва "Кўринг, ҳавас қилинг, ибрат олинг!" шiori остида 273 дан ортқ видеоликлар тайёрланди. Айни пайтда "Кўринг, ҳавас қилинг, ибрат олинг!" шiori остида узок йиллар мобайнида ахилликда яшаб келаётган намунали оилалар ҳамда ёш оилалар, турмуш қуриш арафасида турган йигит-қизлар иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.

Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактабларидаги тренингларда 1188 намунали оила вакиллари иштирокида турмуш қуриш арафасида турган 17 минг 814 йигит-қиз билан мулоқотлар ўтказилди.

142 ФХДЁ органи биносида, шунингдек, 92 Фуқаролик ишлари бўйича суд биносида "Оила бурчаклари" ташкил этилди. Уларда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, никоҳ ва тўғилишни қайд этиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, янги турмуш қуриш арафасида турган ёш йигит-қизларга мўлжалланган асжатлар, тавсиялар, тарғибот воситалари ҳамда бошқа қўлланма ва адабиётлар жамланди.

"Оиладаги тотувликка биргаликда эришамиз!" шiori остида "Маслаҳат" акцияси доирасида "Оила" мар-

кази, ФХДЁ органи ходимлари, психологлар, Реабилитация маркази мутасаддиларидан иборат маслаҳат гуруҳи аъзолари томонидан маҳаллаларда 2722 маротаба суҳбатлар ташкил этилди, уларга 135647 муаммоли оила вакиллари (қайноналар, келинлар, куёвлар, болалар) жалб этилди.

"Оила ва жамият фаровонлиги – тараққиёт омили"

## ТАРБИЯ, МАЪНАВИЯТ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

мавзусида салбий ҳолатлар кузатишган маҳаллаларда жамоат ташкилотларининг ҳудудий, туман ва шаҳар бўлимлари раҳбар ходимлари томонидан учрашувлар ўтказилди.

Корхона, ташкилот, муассасалардаги раҳбар аёллар иштирокида "Аёл маънавияти", "Раҳбар аёлнинг қиёфаси" мавзуларида, шунингдек, таълим муассасаларида ўқувчи-қизлар ва ота-оналар ўртасида қизлар маънавияти, одоб-ахлоқ меъёрлари, мактаб формасининг афзалликлари тўғрисида давра суҳбатлари доимий ташкил этилди. Маҳаллаларда "Миллий либослар тарихи", "Кийиниш маданияти ва одоби", "Аёл психологияси" мавзуларида ўтказиладиган тадбирлар давомида либослар инсон, айниқса аёл-қизлар маънавияти, одоб-ахлоқининг кўзгуси экани батафсил тушунтирилди.

Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга қаратилган "Маърифатли қизнинг қадами кўтулг келур" акцияси доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд, боқувчисиз йўқотган, муаммоли оилаларда тарбияланаётган қизлар учун ўқувлар ташкил этилди. Миллий анъана ва қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини ёшларга атрафлича тушутиришда "Маҳалла – менинг тақдиримда" кўрик-танловининг аҳамияти гоят катта бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси,

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилар депутатлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашиларнинг "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" - ги қўшма қарори мазмун-моҳиятини тарғиб этиш мақсадида маҳаллаларда доимий тарзда тадбирлар ўтказилиб, уларга аҳоли кенг жалб этилди. Тўй ва маросимларни ихчам, тартибли ўтказиш бўйича хотин-қизлар ўртасида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда ортқча исрофгарчиликка берилиш оила иқтисодида ва ёш оиланинг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳамюртларимиз, айниқса аёлларга батафсил тушутирилди. Аҳоли билан ўтказилган тарғибот тадбирлари натижасида 345 хонадон эгаси томонидан 2019 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида намунали тўйлар ўтказилди.

Хамкорлик дастури доирасида ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик ва ёшларни тарбиялаш йўналишида ҳам муайян ишлар олиб борилди. Барча умумтаълим мактабларига касбий ва ҳаётий тажрибаси юқори, обрўли, ижтимоий фаол кексалар, шу жумладан, пенсиядаги ҳарбий хизматчилар бириктирилди.

Нуронийлар ва пенсиядаги ҳарбий хизматчилар иштирокида умумтаълим мактабларида ҳамда маҳалла гузарларида "Кексалар маърифати" мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди. Мунтазам дарс қолдираётган 2850 ўқувчининг ота-оналари ва ота-оналар ўрнини босувчи шахслар билан манзилли иш олиб борилди. 2443 намунали ўқувчи ва уларнинг ота-оналари рағбатлантирилди.

Аҳоли билан ажодлар руҳига ҳурмат бажо келтириш, улар сўнгги кўним тоған муқаддас масканларини обод қилиш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи эканлиги оид доимий тарзда ўтказилган суҳбатлар ўтказилиб, уйма-уй юриш вақтида тушунтириш ишлари олиб борилди. Бунинг натижасида муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бундай хамкорлик жамоат ташкилотларининг ёшлар тарбиясига оид эзгу ташаббусларни, саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, амалий ишларнинг натижадорлигини ошириш имконини бергани билан аҳамиятли бўлди.

Назокат УСМОНОВА

## ОИЛА ВА АЁЛЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ ЎЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН ВАЗИФАЛАРНИ ҚАНДАЙ БАЖАРДИ?

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Парламентнинг мазкур тузилмаси томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.**

Ушбу комиссиянинг мақсади оилани мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида кўмаклашишдан иборат.

Давлатимиз раҳбарининг хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича олиб бораётган изчил ислохотлари тўғрисида уларнинг жамиятимиздаги роли тобора ортмоқда.

Бунинг инъикоси уларок, ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия, Сенатда эса Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси ҳузурдаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг ҳам фаолияти тўдан янгиланди.

Бу сафарги парламент сайловида аёлларнинг улуши катта бўлгани қайд этилмоқда. Маҳаллий кенгашларда эса уларнинг салмоғи янада кўплиги ҳам юртимизда оила институтига, хусусан, аёлларга кўрсатилган катта эътиборнинг самарасидир. Бу Президентимизнинг "Ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг қузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт", деган сўзлари амалда ўз тасдигини топаётганини кўрсатади.

Мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш ва янги босқичга олиб чиқиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан 2017 йил октябрь ойида мазкур комиссия тузилган эди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларда мазкур комиссия ҳам фаол иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта ташаббуснинг муҳим йўналишларидан бири бўлган хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиянинг ўтган даврдаги фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар ижроси ҳолати юртимизнинг деярли барча вилоятлари кесимида назорат-таҳлил тартибида ўрганилди. Ушбу ўрганишлар давомида "Хар бир оила – тадбиркор" Давлат дастури ҳамда "Оилавий тадбиркор-

лик тўғрисида"ги қонунда кўзланган ишларнинг ҳам ўз вақтида самарали бажариб борилиши ўрганилди.

Унда аёлларнинг тадбиркорлик салоҳияти ва имкониятларини таҳлил қилиш, яшаш ҳудудининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиши учун тегишли кўникмаларни шакллантириш ва кредитлар ажратиш масалаларида алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, ўтган даврда оила ва аёллар масалалари оид бугунги кундаги мавжуд муаммолар комиссия томонидан тасвирчан парламент назорати шаклидан самарали фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди.

Хотин-қизлар орасида касб танлаш ва меҳнат қилиш ҳуқуқлари, меҳнат фаолияти олиб борилиши учун миллий қонунчиликда яратилган имкониятлар тарғиботида алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, 2019 йил давомида комиссия томонидан "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Олий Мажлис палаталари Кенгашиларининг "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қўшма қарорининг қабул қилиниши жараёнида жамоатчилик муҳокамасига бағишланган туркум тадбирлар ўтказилиб, мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинди.

– Парламент қўйи палатасининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган халқаро алоқалари асносида комиссия ҳам хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини кўчайтиришда халқаро хамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар парламент вакиллари билан ўзаро тажриба алмашиш ишларида фаол иштирок этди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси, мазкур комиссия раиси Дилором Файзиева. – Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни ўрганиш, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш комиссиянинг доимий эътибор марказида бўлди. Шу кунга қадар комиссияга фуқаролардан 92 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 75 фоизи қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлардан иборатдир. Шунингдек, уй-жой масаласи, меҳнат ҳуқуқларининг бузилишига оид мурожаатлар ҳам ўрганилди.

Тадбирда Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиянинг келгусидаги ишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

### Таълим

## ЎҚУВ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида умумий ўрта таълим мактабларида вариатив ўқув режаларини тажриба-синовдан ўтказишга бағишланган видеосеминар ўтказилди.**

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Умаров мамлакатимизда мактаб таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ўқув-тарбиявий жараённинг сифатини янада яхшилашга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси 2019 йилда амалга ошириш бўйича "Йўл харита"да вариатив – ўзгарувчан ўқув режаларининг жорий этилиши белгиланган.

Вариатив ўқув режаларининг жорий қилиниши ўқувчиларнинг ўзлари қизққан фанларни чуқур ўрганиши, битирувчиларнинг олий ўқув юртига кириш имтиҳонига тайёрларлик қўриши ва юқори синфларда ўқув жараёни касбларга йўналтирилган ҳолда ташкил этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги буйруғи билан 2019-2020 ўқув йилининг учинчи чорагидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларида вариатив ўқув режаларини тажриба-синовдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Видеосеминар доирасида иштирокчиларга мактабларда вариатив ўқув режаларини жорий этиш бўйича тавсиялар берилди.

Республика таълим маркази директори Ҳикматилла Даминов умумтаълим мактабларида вариатив ўқув режалари тажриба-синовдан ўтказиш ишларини ташкил этиш тартиби тўғрисида гапирди.

Тадқиқот доирасида танлов синфларини шакллантириш ва вариатив ўқув режаларини жорий этиш бўйича аҳамият берилиши керак бўлган масалаларга тўхталиб ўтилди.

Танлов синфлари хорижий тил ва филология, молия-иқтисод, технология, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича ташкил этилиши тавсия қилинди.

Видеосеминарда танлов синфлари бир ёки бир неча йўналишда очилиши мумкинлиги айтиб ўтилди. Шу билан бирга, вариатив ўқув режаларининг жорий қилиниши ихтиёрийлиги ва мактабда танлов синфини ташкил этишда юқори малакали, тажрибали ўқитувчиларнинг мавжудлиги инobatга олиниши кераклиги таъкидланди.

Видеосеминарда республика бўйича барча ҳудудлардаги халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари раҳбарлари ва масъул ходимлари ўзларини қизқирган саволларга жавоб олди.

(ЎЗА)

## Реклама ва эълонлар

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси Олмазор тумани филиали томонидан 2019 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, кадастр рақами 10:08:04:01:01:0087, умумий майдони 6000 кв.м., реестр рақами: 2-1008-19-00634 ва Олмазор тумани, Бешқўрғон мавзеси, 1.25 ва 27-сонли кўп қаватли уйлар орасида жойлашган кўп қаватли автотурагоҳ қўчмас мулк объекти кадастр иши

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сергеи тиббиёт коллежи томонидан 2007 йилда Юлдашева Ўғилой Алиназаровна номига берилган К № 786117 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент ихтисослаштирилган Хотин-қизлар коллежи томонидан 2007 йилда Мирмахмудова Малика Раҳматуллаевна номига берилган К № 774986 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 172-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2003 йилда Абитов Фуркат Абдрасилович номига берилган U серияли 0411894 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 29.07.2019 йилда 747345-сон реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "LIGHTING GOOD STARS" МЧЖ (СТПР 306608234) таъсисчининг 24.12.2019 йилдаги № 1-қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чоп қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади: Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 270-уй.

Тошкент автомобиль йўллари нолийхалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси институт Ҳарбий кафедраси бошлигининг ўринбосари, подполковник Алларов Тимур Азатовичга отаси

**Азат Мағруфович АЛЛАЯРОВНИНГ**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ғафур Ғулмон номидаги маданият ва истироҳат боғи жамоаси боғининг етакчи мутахассиси

**Мухаммаджон ҚОЗОҚБОВНИНГ**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

## Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши ҚАРОРИ

### 2020 ЙИЛ УЧУН УЧТЕПА ТУМАНИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида"ги Қонунга (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашиларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидagi ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Қонуннинг 18-моддасига асосан 2020 йил учун Учтепа тумани маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2019 йил 13 декабрдаги "2020 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 521/63-5-сонли қарори (кейинги ўринларда Қарор деб аталади) маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:  
а) Қуйидаги солиқ турлари Учтепа туман маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади: жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк солиғи; жисмоний шахслардан олиннадиган ер солиғи; жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини ижарага беришдан олинган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда яқна тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар ва Учтепа туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади: яқини истемоличиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи; айланмадан солиқ;

айрим товарларни чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар; мобиль алоқа хизмати ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тўшувлар тегишли равишда 2019 йил 1 июль холатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ;

в) Қуйидаги харажатлар республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди: умумтаълим мактаблари ҳамда мактабга таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабга таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишли туманлар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади).

г) Қуйидаги харажатлар Учтепа туман маҳаллий бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди: фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари; давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказини сақлаш харажатлари.

3. Қарорнинг:  
4-иловасига мувофиқ, Учтепа тумани бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратилган меъёрлари тасдиқланганлиги;

7-иловасига мувофиқ 2020 йил учун Учтепа тумани бюджетига йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори **1 507 400,0 минг сўм** этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2020 йил учун Учтепа тумани маҳаллий бюджетни даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. 2020 йил учун Учтепа тумани маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2020 йил учун Учтепа туман бюджетни захира жамғармаси ҳажми **1 603 362 минг сўм** миқдорда белгилансин ҳамда захира жамғармаси маблағларини туман бюджетига кўзда тутиларган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий бекорлик юзасига келган вазиятларга амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Учтепа туман ҳокимлиги, туман молия бўлими ва бюджет маблағларини тақсимловчилари: туман бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озик-овқат, доридармон ва коммунал хизматлар учун харажатларнинг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратта олсин;

хар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расий веб-сайтларга бюджет маблағларини тақсимловчилар кесимида молиявий ҳисоботларини ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин; туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини таъминласин ҳамда веб-сайтларга уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

8. Учтепа туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг **1-иловасида** келтирилган даромадларнинг прогнози кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлган ҳолда 5 фондан ортқ миқдорга баҳарлиманса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш билан бирга киритилган мурожаатга асосан тартибга солувчи бюджетларро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан тақлифлар киритади.

9. Учтепа туман ҳокимлиги: Қонуннинг 24-модд





**Оммавий спорт**

**МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ**

**Бугун мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиб, қулай шарт-шароитлар яратилаётганлиги сабабли жойларда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес субъектлари қад ростлапти. Муҳими, аҳоли иш билан таъминланмоқда. Юртимизга илгор хорижий технологиялар кириб келмоқда. Аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб бормоқда.**

Кейинги пайтда Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманида ҳам бу борадаги ишлар анча жонланди. Одамларнинг ҳаётга бўлган муносабати ўзгарди. Ёш, ғайратли тадбиркор Анвар Норбоевнинг ташаббуси билан хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда Каттақўрғонда ташкил этилаётган "Каттақўрғон Монтаж Курилиш" корхонаси ҳам ана шундай ҳаракатларнинг самарасидир.

Келажақда тежамкор энергия манбаларини яратиш, мамлакатимизда замонавий электр асбоб-ускуналар-

рени ишлаб чиқаришга ихтисослашадиган мазкур корхона бунёдкорлари жамоаси вилоят аҳли учун оммавий спорт мусобақаси ташкил этишди. Спортнинг шахмат, шашка, стол теннис, оғир атлетика, армрестлинг, енгил атлетика каби қатор турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Навоий вилоятларидан келган 100 нафарга яқин иштирокчи қатнашди. Оммавий спорт мусобақаларининг шахмат баҳсларида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган

маданият арбоби, ёзувчи Шодмон Отабек, "Муштум" журнали бош муҳаррири Носиржон Тошматов, хавжчи шоир Муроджон Холиёров ва бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашганлиги иштирокчиларга ўзгача завқ бағишлади.

– Оммавий спорт мусобақаларида бу қадр кўп қатнашчи бўлади, деб ўйламагандик, очиги. Айниқса, бир гуруҳ ижодкор ва журналистларнинг маҳалламизга келиб, одамлар билан очик мулоқот ўтказганлиги, давра суҳбатлари ташкил этганлиги кўнглимиз-

ни юксалтирди. Бу, ёшларимизга, янги бунёд этилаётган корхона жамоаси учун катта шодиёна бўлди. Ишонамизки, мусобақаларда бевосита қатнашиб, маҳорати олган ёшларимиз орасидан келажақда Ўзбекистон доврғини дунёга дoston этадиган спортчилар етишиб чиқшади, деган умиддамиз. Ташкилотчиларга, қўшни вилоят ва туманлардан келган иштирокчи меҳмонларга каттақўрғонликлар номидан миннатдорчилик билдирамиз, – дейди маҳалла фахрийси Очил бобо.

Мурасасиз баҳслар натижасига кўра, иштирокчи Бектемир Турсунов, жиззахлик Раббим Муносибов, каттақўрғонлик Жасур Алижонов, пойариқлик Мухрбой Умурзоқов, тошкентлик Нишонбой Йўлбасов, навоийлик Севинч Хусановлар ўз йўналишларида совриндорлар сафидан жой эгаллашди. Оммавий спорт мусобақасининг энг яхшилари, кучилари ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

**Комил ТҲҲУНОВ**

**"101"**

**ЎЗ УЙИНИНГ ҲАҚИНИ АСРА**

**Ис гази инсон ҳаёти учун жуда хавфли. Заҳарланган инсонга зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатилмаса, ҳаётдан бевақт кўз юмиш мумкин.**

Ис гази атмосфера ҳавосида ҳар қандай ёниш натижасида вужудга келади. Уй ёнганда, автомобилдан чиққан ис гази, уй шароитида ҳаммом иситкичлари, ошхоналардан газларни чиқиб туриш ҳолатларида ис газидан заҳарланиш мумкин. Бундай ҳолатларда албатта инсонларга биринчи ёрдам кўрсатиш керак. Энг аввало, беморни зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш керак ва тез ёрдамни чақириб, токсикология бўлимига етказиш зарур. Бундай ҳолатларга дуч келмаслик учун белгиланган қоидаларга амал қилинг.

**Хамиджон НАСИРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қарашли "Архив" ва "Халқ қабулхонаси" биноларини ёнганда муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, катта сержант Зайниддин ИБОДОВ,  
Тошкент шаҳар ЁХБ бўлим бошлиғи, подполковник

Моддий-маънавий бойликларни асраш, уларни ёнгин офатидан ҳимоялаш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган.

Фуқаролар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини қўриш, ёнгин инсонлар ҳаётига зарар келтириши хусусида суҳбатлар ўтказиб келинмоқда. Лекин профилактик тадбирларга айрим эътиборсиз, лоқайд фуқароларимиз тўғрисида ёнгинлар содир этилмоқда. Шу ўринда ёнгинларнинг олдини олишда барча бирдек масъул эканлигини эслатиб ўтамиз.

**Абдумавлон АБДУҚАЮМОВ,**  
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидagi илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ёнганда муҳофаза қилувчи ёнгин хавфсизлиги бўлими асосан инспектори, лейтенант

Сиз ҳаётда бир бор бўлса-да ёнгин ҳодисасини кўрганми-сиз? Делик, кўнглингизнинг уйдан бирорта сабаб билан ёнгин чиқди. Гарчи кўнглингизнинг уйи ёнапти-ю кўпроқ қуяётган сиз. Чунки у сизга жоннажон қўшни.

Биланмики ёнгин хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, албатта моддий зарар кўрилади. Иккинчидан ёнгиндаги қўшни хонадон гувиллаб ёнади сизнинг уйингизга ўтиб кетмайди, деб ким қаролат беради.

Ёнгин аса бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажрата оладиган бир офатдир. Ўз умримиз, ширин кўнглимизни барбод айлаб, молу давлатимизни кули кўкка етишига йўл қўймайлик.

**Хабибулло ҲОШИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қарашли "Архив" ва "Халқ қабулхонаси" биноларини ёнганда муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Халқимизда "Ўт балоси, сув балосидан асра", деган нақл юрди. Ойларимизнинг тинчлиги, хотиржамлиги ўзимизга боғлиқ.

Корхона-ташкilot масъуллари, хонадонларда уй соҳиблари ўз масъулиятини эсдан чиқармай, доимо турғун зарарлар кўнгилсизликлар ёки бермайди. Ҳеч қандай моддий-маънавий зарарларга ҳам дуч келмаймиз. Ҳўжалик ва ташкилотлар, корхона ва муассасалар жамоаларида ёнгин хавфсизлиги доимий равишда тарғиб қилинса, нохуш ҳолатларнинг олди олинишига эришилади.

Ёнгиннинг инсон соғлиғи ва халқ ҳўжалигига етказадиган моддий зарари ҳақда унутмаслик лозим.

**Рустам СОДИКОВ,**  
Тошкент шаҳар ЁХБ бўлим муҳандиси, лейтенант, Ҳожиакбар ТУРОПОВ,  
ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Кичилар "Ўз уйининг ўзинг асра" ширини асосан мол-мулкни беғоналар таъвоуздан сақлашни тушинад.

Аммо ўзимиз, яқинларимиз ва уй-ҳўжамимиз ёнгин офатидан сақлаш ҳам хавфсизликнинг ажралмас бир қисmidир. Бу эса ҳақиқат ҳамма ерда масъулиятли бўлишни талаб этади. Чунки эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ёнгин оқибатида уй ёки ишхона, у ердаги моддий бойликлар ёнгиб қолганда айланмиш ҳеч гапмас. Бу каби нохушликларнинг олдини олиш учун аҳоли орасида ёнгинга қарши курашни кўайтириш бўйича учрашувлар ўтказилиб, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Агаам ХУСАНОВ,**  
Миробод тумани ЁХБ инспектори, катта сержант

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўларди.

Ҳа, "тилсиз ёв" бўлиши олов фасл, вақт, жой танламайди. Кутилмаганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатда руй беради.

Ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингиз, уй-ҳўжамингизнинг ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Баҳоидир КЕНЖАКУЛОВ,**  
Мирзо Улуғбек тумани ЁХБ катта инспектори, майор

Олов – "тилсиз ёв" дейдилар. Хонадонлар, жамоат жойларида ёнгинга қарши барча эҳтиёт чоралари қўриб қўйилиши зарур.

Бунда ёнгин ўчирувчилар маслаҳатлари ва кўмағига таяниш фойдаландир. Хуллас, ёнгиннинг олдини олиш учун ана шу офат келтирувчи ҳодисага қарши кураш қоидаларига риоя қилиш, газ, электр ускуналаридан тўғри ва ҳушёрлик билан фойдаланиш зарур. Шундагина биз кўнглисиз ҳодисаларнинг олдини олган, оила ва давлатнинг зарар қўришига йўл қўймаган бўламиз.

**Абдумавлон АБДУЛАЗИЗОВ,**  
ЁХБ кичик инспектори, сафдор

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 9 январь кун ҳаво ўзаариб туради, ёнгиннинг олдини олиш учун ана шу офат келтирувчи ҳодисага қарши кураш қоидаларига риоя қилиш, газ, электр ускуналаридан тўғри ва ҳушёрлик билан фойдаланиш зарур. Шундагина биз кўнглисиз ҳодисаларнинг олдини олган, оила ва давлатнинг зарар қўришига йўл қўймаган бўламиз.

рат кечаси – 1-3 даража сувқ, кундузи – 7-9 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 9 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.

**ҚОНУНБУЗАРЛАРДАН ТЎЛОВЛАР ТЎЛИҚ УНДИРИЛАДИГАН БЎЛДИ**

**Божхона тўловларини тўламаслик мақсадида хорижий мамлакатдан олиб келинган техникаларнинг ишлаб чиқарилган йилни нотўғри кўрсатишга уриниш ҳамда товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодларини ўзгартириш каби навбатдаги қонунбузарлик ҳолатлари божхоначилар томонидан фoш этилди.**

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Тошкент-товар" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари фуқаро Р.Х. томонидан салкам 505 миллион сўм имтиёз асосида олиб кирилатган автокран воситасининг ёрликларидаги маълумот билан автоматизациянинг ҳолати божхоначилар эътиборини тортди ва автотранспорт воситаси белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилди.

Натижада мазкур автотранспорт воситаси ҳужжатларда кўрсатилганидек 2017 йилда эмас балки 2010 йилда ишлаб чиқарилгани маълум бўлди.

Шунингдек, мазкур постнинг ўзида яна бир ҳолатда хориждан пойтахтимиздаги иккита корхона номига келтирилган "Кран ва қазих мосламаси" ҳамда "Аэродром газ станцияси" товарларига тақдим этилган божхона юк декларацияларида товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) коди нотўғри таснифланганиги маълум бўлди. Натижада божхона тўловларидан имтиёз нотўғри қўлланилишининг олди олинди, давлат бюджетига қўшимча 12,3 миллиард сўм божхона тўловлари ҳисобланди.

Шунга ўхшаш ҳолатларда мазкур божхона пости ҳамда "Арк булок" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан хориждан корхона номига келган товарнинг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси коддини нотўғри таснифлаб божхона расмийлаштирувига тақдим этганлиги аниқланди. Натижада 57,7 миллион сўм қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

Яна бир ҳолатда "Сергели" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан хориждан темир йўл контейнерида пойтахтимизда фаолият олиб бораётган корхона номига келган товарлар назоратдан ўтказилди.

Божхона кўриги натижасида контейнерларда ҳужжатларда кўрсатилган товарлардан ортиқча бўлган жами 910 кг. оғирликдаги "Полиуретанли герметик, қотирувчи" товарлари борлиги аниқланди. Аниқланган қонунбузулиши ҳолати натижасида давлат бюджетига 8,6 миллион сўм божхона тўловлари ундирилмай қолишининг олди олинди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

**Тошкент шаҳар божхона бошқармаси**  
Ахборот хизмати

**Шифокор тавсия этади**

**ПОЛИОМИЕЛИТ КАСАЛЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Тиббиёт институтида ўқиб юрган пайтимда юз берган бир воқеа ҳамон эсимда. Маҳалламиз болалари кўчадаги ариқчанинг у ёғидан бу ёғига сакраб ўйнаётган эди. Бир пайт болалардан бири тўхтаб қолди. "Сакрасанг-чи", дея бақирарди унга дўстлари. Бола эса оқсоқланиб, сакрашга ҳаракат қилар, лекин негадир удалай олмасди. Бу манзарани кўриб, беихтиёр болакайнинг ёнига бордим ва унинг сакрашига кўмаклашдим. Аммо кейинчалик боланинг тўсатдан оёғини кўтаролмай қолишига нима сабаб бўлганини эшитиб янада сергак тортидим.

Ҳар қан шундай болаларга дуч келсам, ўша воқеа эсимга тушади.

Ўзаги юнонча "polios" – "кулран" сўзидан олинган полиомиелит касаллиги тиббиётда, баъзан Гейне Медина касаллиги ёки болалар инфеқцион фалажлик ҳолати, деган номлар билан юритилади. Мазкур ўткир вирус касаллиги марказий нерв тизимини шикастлайди. Филтранувчи вирус ушбу касаллиқнинг кўзгатувчиси ҳисобланади. Касаллик ташувчиси касалланган бола бўлиб, полиомиелитнинг яширин даври 3-7 кун, баъзан эса бир неча соатдан бир неча ҳафтагача давом этади. Бу мuddат давомида беморларда тана ҳароратининг кўтарилиши, лоҳаслик, кўнгил айниши, бош ва томоқ оғриши каби ҳолатлар кузатилади. Болалар эпидемик фалажи ёки полиомиелит касаллигига, асосан кичик ёшдаги ва иммунитети пастаян, шамоллашга мойиллар чалинади. Бу касаллик баъзан катта ёшдагиларда ҳам учраши мумкин.

Касаллиқнинг юқиши асосан ёз-кўз мавсумларига тўғри келади. Полиовирус ҳаво-томчи ёки орал фекал йўл орқали оғизга тушгач, томоққа, ҳалқум ва қизилунгачдан ўтиб, бутун организмга тарқалади. Баъзан эса чивинлар ҳам полиомиелит тарқатувчиси бўлиши мумкин.

Полиомиелит вируси периферик асаб тизими орқали миёга, кейин эса орқа миёга тушади. Шунингдек, болаларнинг ўзаор мулоқотда бўлган, ўйнаган вақтларида ҳам ҳаво-томчи йўли орқали касаллиқнинг юқиш хавфи мавжуд. Вирус узок вақтгача уй жихозлари, идиш-товолқар ва ўйинчоқларда сақланиб қолади.

**ХАСТАЛИКНИНГ КЕЧИШИ**

Касаллиқнинг кечиши периферик асаб тизимида кузатилади ва бир неча босқични ўз ичига олади.

Унинг дастлабки босқичида иштаҳа йўқолади, умумий дармонсизлик, баъзан ич кетиш кузатилади. Бу давр жуда қисқа давом этади.

Фалаж олди даврига келиб беморнинг иситмаси кўтарилади, боши қаттиқ оғрийд, ҳушидан кетиши ҳам мумкин. Кўнгил айниши, қусиш, бошнинг орқа соҳасидаги мушаклар таранглашуви оқибатидаги оғрик каби ҳолатлар полиомиелитнинг иккинчи боқичига хос. Бу давр 24-48 соат давом этади. Касаллиқнинг 3, 4-кунларида болада фалажликнинг илк белгилари пайдо бўлади. Бу вақтга келиб тананинг периферик қисмида, қўл ёки оёқ соҳаларида ҳаракат ёмонлашади, бемор оёғи ёки қўлини кўтара олмайди. Орқа миёда зардобли яллиғланиш жараёни кечади. Агар орқа мия суяқлиги таркибини текширади-

ган бўлса, ҳар хил ҳужайралар, оқсил моддаларнинг кўпайиб кетганини кўраемиз. Касаллиқнинг тикланиш даврига келиб юқорида қайд этилган белгилар аста-секин йўқолади, лекин беморнинг қўл ва оёқ соҳасидаги фалажлик ҳолати сақланиб қолади. Оёқларда ҳеч қандай оғрик бўлмаса-да, мушаклар функцияси батомом тикланиши қийин кечади. Бунда касаллиқни бошидан кечирган бемор оёғини тутиб тура олмайди. Бойлам-муқул аппаратининг эластиклик ҳолати йўқолади. Суякларда ҳосил бўлган бўйлик ҳолати ёки остеопороз (суяк ўз қаттиқлик ҳолатини йўқота бошлади) туфайли умуртқа поғонасида қийшайишлар пайдо бўлади. Қўл ва оёқнинг бўғимлари бүкилмайди, натижада шу соҳада деформация (қийшиқлик) ва контрактуралар (ҳаракатланиш чегараланганлиги) ҳосил бўлади.

**ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ**

Маълум вақт давомида амал қилинган карантин полиомиелит касаллиги эпидемиясига қарши курашиш учун у қадр етарли эмас.

1959-1960 йилларда биринчи бор полиовирусли вакцина яратилди. 1961 йилга келиб, полиомиелитнинг эпидемик тарқалишига барҳам берилди.

Мамлакатимизда бугун полиомиелит касаллигига қарши оммавий эмлаш чорасини қўриш долзарб масалалар қаторида туради. Полиомиелит бир вақтнинг ўзида бошқа вакцина, жумладан, дифтерияга қарши эмлаш билан бирга амалга оширилади. Эмлаш ишлари болаларнинг 2 ойдан 3 ёшлик давригача, кейин эса 7 ва 16 ёшида амалга оширилади.

Полиомиелитнинг асоратларини консерватив даволаш муҳим аҳамиятга эга. Профилактик тадбирлар билан бир қаторда умумий гигиена ва дори-дармонлар билан даволаш яхши натижаларни беради. Комплекс витаминлар терапиясини физиотерапевтик муоалалар уйғунлигида қўллаш полиомиелитнинг кўпбал асоратларини бартараф қилади.

Унинг олдини олиш учун бўғим ҳаракатининг чекланганлиги ёки унинг деформацияси (қийшиқлиги) билан касалланган болаларни доимий назоратда сақлаш, беморларнинг ортопедик тушамларда ётиш режимини, ортопедик аппаратлардан фойдаланишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Тикланиш даврида бемор болаларнинг вақти-вақти билан ортопедик пойфазал кийиши, даволаш гимнастикаси билан шуғулланиши, физиотерапевтик муоалалар қабул қилиши, соғломлаштириш сиҳатгоҳларида даволаниши жуда яхши натижа бериши мумкин. Бундан ташқари, тўғри овқатланиш тартибига амал қилиш ҳам муҳим. Озиқ-овқатлар хилма-хил, юқори калорияга эга ва мазали бўлиши шарт. Сувости массажлари ҳамда сув спорти билан шуғулланиш касалликдан 3-6 ой ўтиб тавсия этилади.

**ОТА-ОНАЛАРГА ЭСЛАТМА**

Эмлангандан кейин 30 дақиқа давомида шифокор назоратида бўлиши керак. Боланинг иситмаси кўтарилса ёки унда бирор нохуш ҳолат кузатилса, дарҳол шифокорга мурожаат этиш лозим. Эмлашдан кейин бир ҳафта давомида дори-дармонлар қабул қилиш тавсия этилмайди. Эмлангандан кейин бола ни шамоллашдан асраш ва ҳар хил шикастлардан сақлашни ота-оналар доимо назорат қилиши зарур, маълум бир вақтда шифокор маслаҳатини олиб туриш керак.

**Абдурашид МАХМАТОВ,**  
тиббиёт фанлари номзоди

**Тошкент Оқшом** Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: 0-371) 233-28-95, 0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида тертиди ва саҳифаланди.

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1166 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1166 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топшириш вақти: 15.10

1 2 3 4 5